



THE LEGAL BASIS OF PRIVATIZATION IS IMPROVING

Valijonov A.R.

Republic of Uzbekistan

State Asset Management Agency

Head of Department of Research Center, I.F.N.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12747851>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2024

Accepted: 15th July 2024

Online: 16th July 2024

KEYWORDS

Privatization, law, program, state, property, evaluation.

ABSTRACT

The article contains comments on the procedure for the privatization of state property established in Chapter 3 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Privatization of State Property" adopted on February 14, 2024. The content and essence of the articles of the Law on development of programs for privatization of state property, preparation of state property for privatization, assessment of state property to be privatized and determination of its initial price are explained in the work.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Валижонов А.Р.

Ўзбекистон Республикаси

Давлат активларини бошқариш агентлиги

Тадқиқотлар маркази бўлим mudiri, и.ф.н.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12747851>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2024

Accepted: 15th July 2024

Online: 16th July 2024

KEYWORDS

Хусусийлаштириш, қонун, дастур, давлат, мулк, баҳолаш.

ABSTRACT

Мақолада 2024 йил 14 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунининг 3-бобида белигланган давлат мулкни хусусийлаштиришни амалга ошириш тартибига шарҳлар келтирилган. Ишда Қонуннинг давлат мулкни хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш, давлат мулкни хусусийлаштиришга тайёрлаш ҳамда хусусийлаштириладиган давлат мулкни баҳолашдан ўтказиш ва унинг бошланғич нархини белгилашга бағишланган моддаларининг мазмуни ва моҳияти ёритиб берилган.

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири бу давлат мулкни хусусийлаштириш орқали иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш ва эркин рақобат муҳитини ривожлантиришдан



иборат. Хусусийлаштириш соҳасидаги дастлабки қонун 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган бўлиб у “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” деб аталади. Мустақиллик йилларида давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга бугунда хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ҳақоро тажрибадан келиб чиқиб хусусийлаштиришнинг янги усуллари жорий этиш, хусусийлаштириш жараёнини очиқ ва шаффофлигини ошириш зарурати вужудга келди. Шу муносабат билан 2024 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Қабул қилинган Қонун аввалги, яъни 1991 йил 19 ноябрдаги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонундан мазмуни ва моҳияти жиҳатдан тубдан фарқ қилади.

Адабиётлар таҳлили ва методлар

Хусусийлаштириш масалалари хорижий олимлардан Марра М., Карлей В.[1], Радыгин А.[2], ва бошқаларнинг изланишларида, мамлакатимиз олимларидан Бутиков И., Беркинов Б. Яушев Р. ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Мақолада иқтисодий таҳлил ва талқин қилиш методларидан фойдаланилган.

Натижа ва муҳокамалар

2024 йил 14 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) 9 та боб ва 45 та моддадан иборат[3]. Ушбу мақоламизда Қонуннинг 3-бобига, яъни давлат мулкни хусусийлаштиришни амалга ошириш тартибига шарҳлар келтирамиз. Қонуннинг 3-боби 15-18-моддаларни ўзида мужассам этади.

Қонуннинг 15-моддаси хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишга бағишланган. 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунда “хусусийлаштириш дастури” тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилмаган ва уни шакллантириш тартиби белгиланмаган эди.

Хусусийлаштириш дастурини шакллантириш бўйича хорижий тажриба, жумладан Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси ва Қозоғистон тажрибаси ўрганилганда, ушбу давлатларда хусусийлаштириш дастурларини тузиш тартиби қонунчилик билан белгиланганлиги аниқланди.

Шарҳланаётган моддага биноан давлат мулкни хусусийлаштириш дастурлари қуйидагилар томонидан шакллантирилади:

ваколатли давлат органи томонидан — республика мулкни хусусийлаштириш дастурлари;

ваколатли давлат органининг ҳудудий бошқармалари томонидан — муниципал мулкни хусусийлаштириш дастурлари.

Ваколатли давлат органининг ҳудудий бошқармалари муниципал мулкка нисбатан қуйидагиларни шакллантиради:

ваколатли давлат органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланадиган давлат унитар



корхоналарини, давлат муассасаларини ва хўжалик жамиятларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушларини хусусийлаштириш дастурларини;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланадиган кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш дастурларини.

Қонун республика ва муниципал мулк таркибига нималар киришини белгиламаган. Бундай мулкларнинг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган. Фуқаролик кодексининг 214-моддасида республика мулки таркибига кирувчи мол-мулклар ва 215-моддасида муниципал мулк таркибига кирувчи мол-мулклар кўрсатиб ўтилган.

Қонун хусусийлаштириш дастури таркибини ҳам белгиламоқда, жумладан шарҳланаётган моддага асосан давлат мулкни хусусийлаштириш дастурида давлат мулкни хусусийлаштиришнинг асосий мақсадлари ва вазифалари, шунингдек хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат мулкнинг рўйхати назарда тутилади. Демак, хусусийлаштириш дастурида нафақат хусусийлаштириладиган корхоналар рўйхати (бугунгача амалиётда шундай бўлган), балки хусусийлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳам кўрсатилади.

Хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш учун Ваколатли орган хусусийлаштириладиган объект бўйича маълумотларни йиғиш ҳам керак. Шунинг учун шарҳланаётган моддада Ваколатли давлат органининг ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг сўровларига асосан тегишли ташкилотлар давлат мулкни хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш доирасида тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар тури ҳам белгиланган.

Умуман олганда хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишни самарали ташкил этиш давлат мулкни сотиб олувчи инвесторларга қўшимча қулайликлар яратади, хусусийлаштиришда ваколатли давлат органларининг масъулиятини оширади ва хусусийлаштириш жараёнларини ривожлантириш ҳамда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришга хизмат қилади.

Қонуннинг 16-моддасида давлат мулкни хусусийлаштиришга тайёрлаш тартиби белгиланган. Қонунга асосан давлат мулкни хусусийлаштиришга тайёрлаш “йўл харитаси” бўйича амалга оширилади. Қонунда “йўл харитасида” давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрсатилиши белгиланган, жумладан:

давлат мулкни хусусийлаштириш шартлари ва босқичлари;

хусусийлаштириладиган давлат мулкни баҳолаш жараёнлари;

давлат мулкни хусусийлаштириш муддатлари;

давлат кўчмас мулк объекти тўғрисида тақдим этиладиган маълумотлар ва бошқа маълумотлар.

Республика мулкни хусусийлаштириш бўйича “йўл харитаси” Ваколатли орган томонидан, муниципал мулкни хусусийлаштириш бўйича эса ваколатли давлат органининг ҳудудий бошқармаси томонидан тасдиқланади.



Қонунда мулкни хусусийлаштиришга тайёрлаш ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ташкил этилиши ва бу ишлар нимадан иборатлиги белгиланмоқда.

Давлат мулкни хусусийлаштиришга тайёрлашда ҳал этилиш лозим бўлган муҳим масалалардан бири бу хусусийлаштирилаётган объектнинг жозибadorлигини ошириш ҳисобланади. Давлат активларини хусусийлаштиришга тайёрлаш, шу жумладан уларнинг жозибadorлигини ошириш маълум бир харажатларни талаб қилади. Шарҳланаётган моддада бундай харажатларни молиялаштириш манбаи сифатида ваколатли давлат органи ҳузурида юридик шахс ташкил этилмаган ҳолда тузилган бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармасининг маблағлари кўрсатилмоқда.

Давлат мулкни хусусийлаштиришга тайёрлашда маълумотларни йиғилишини ўз вақтида таъминлаш мақсадида шарҳланаётган моддада юридик шахснинг (давлат кўчмас мулк объектини балансда сақловчининг) раҳбари томонидан ваколатли органга тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар белгиланган.

Шарҳланаётган моддада ваколатли давлат органи давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича экспертлар гуруҳини тузиши, шунингдек шартнома асосида профессионал маслаҳатчиларни жалб этиши мумкинлиги назарда тутилган. Экспертлар гуруҳига хорижий экспертлар ҳамда профессионал маслаҳатчи сифатида халқаро консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компаниялари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Умуман олганда, хусусийлаштиришни мувоффақиятли амалга ошириш давлат мулкни хусусийлаштиришга тайёрлаш ишларини самарали ташкил этишга боғлиқ. Шунинг учун ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармалари давлат мулкни хусусийлаштиришга тайёрлаш ишларига масъулиятли ёндошишлари лозим.

Қонуннинг 17-моддасида хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат мулкни бошқа шахсга ўтказиш, ҳисобдан чиқариш, гаровга қўйиш ёки бошқача тарзда тасарруф этиш давлат мулкни хусусийлаштириш дастури қабул қилинган кундан эътиборан тақиқланиши белгиланган. Ушбу модда хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган. Шу билан бирга давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича «йўл харитаси»да назарда тутилган ҳоллар мустасно эканлиги белгиланмоқда. Давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича «йўл харитаси»да давлат мулкни жозибadorлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилиши мумкин. Ушбу чора-тадбирларда давлат мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ ҳолатлар бўлиши мумкин, жумладан юридик шахс ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш, корхона таркибий бўлинмаларини ажратиб чиқариш ва бошқалар.

Хусусийлаштиришда муҳим масалалардан бири бу хусусийлаштирилаётган объект баҳосини аниқлаш ҳисобланади. Қонуннинг 18-моддасида давлат мулкнинг бошланғич нархи ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан белгиланиши назарда тутилган. Бунда бошланғич нархни белгилаш мустақил баҳоловчи ташкилотнинг, шу жумладан халқаро нуфузга эга бўлган



баҳоловчи ташкилотларнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботиغا асосан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Баҳоловчи ташкилот баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсдир[4]. Бугунда Ўзбекистонда 231 та баҳоловчи ташкилотлар ва 1137 та сертификатли баҳоловчилар фаолият олиб бормоқда. Соҳада бундан ташқари Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси, Баҳоловчилар жамияти, Баҳоловчилар, экспертлар ва маслаҳатчилар жамияти каби жамоат ташкилотлари ҳам мавжуд.

Баҳолаш фаолияти ва баҳолаш стандартларини соддалаштириш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2023 йил 25 октябрдаги 01/11-14/29-сон буйруғи билан “Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандарти” тасдиқланган ва 2023 йил 28 декабрда Адлия вазирлигида 3487-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Ушбу Ягона миллий баҳолаш стандарти халқаро баҳолаш стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб баҳоловчи ташкилотлар давлат мулкини баҳолашда Ягона миллий баҳолаш стандартига амал қилишлари керак.

Шарҳланаётган моддада Ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармаларига хусусийлаштирилаётган давлат мулкининг бошланғич нархини оммавий савдоларда амалдаги бозор конъюнктурасини ва ушбу давлат мулкининг қийматига таъсир кўрсатувчи омиллар жамланмасини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан баҳолаш қийматидан фарқли бўлган, қолдиқ (баланс) қиймати ёки соф активлар миқдорига мутаносиб қийматини белгилаш ҳуқуқи берилмоқда. Ягона миллий баҳолаш стандартига асосан қолдиқ баланс қиймати деганда асосий воситаларнинг бошланғич (тикланиш) қийматидан жами эскириш суммаси чегириб ташланган қиймат тушунилади.

Шарҳланаётган моддада қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиши мумкинлиги белгиланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 161-сон “Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби ҳақида” Низом тасдиқланган.

Сўнги йилларда хусусийлаштириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида халқаро консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компанияларни жалб этган ҳолда давлат активларини хусусийлаштиришнинг замонавий усуллари жорий этиш амалиёти қўлланилмоқда.

Қонунга мувофиқ давлат мулкини баҳолаш халқаро нуфузга эга аудиторлик компанияларининг Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шўъба корхоналари томонидан амалга оширилганда, шунингдек давлат мулки аукционга ва биржа савдоларига қўйилганда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилиги экспертизадан ўтказилмайди. Ушбу норма Қонунга хусусийлаштириш жараёнини соддалаштириш ва давлат мулкини баҳолашга халқаро нуфузга эга аудиторлик компаниялари жалб қилишни кенгайтириш мақсадида киритилган.

Хулоса



2024 йил 14 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилинганлиги хусусийлаштиришни ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, жумладан:

давлат мулкани хусусийлаштиришни тартибга солиш соҳасида давлат органлари ваколатларини тизимлаштиришга;

давлат мулкани хусусийлаштиришни амалга ошириш тартиби соддалаштиришга;

давлат мулкани хусусийлаштиришнинг янги замонавий усулларини жорий этишга;

хусусийлаштирилган давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказиш ва хусусийлаштирилаётган давлат мулки учун тўловларни амалга ошириш тартиби ва шартларини қулайлаштиришга;

давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасида очиқликни таъминлашга хизмат қилади.

References:

1. Marra A., Carlei V. The institutional environment and privatizations: policy implications for local governments //Annals of Public and Cooperative Economics. — 2014. — Vol. 85(1). — P. 31–52.
2. Приватизация в современном мире: теория, эмпирика, «новое измерение для России»: в 2 т. — Т. 1 / науч. ред. А. Д. Радыгин. — М.: Издательский дом «Дело» РАНХиГС, 2014. — 464 с.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/6800515>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/24703>.